



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 110 (12.421)

Баҳоси эркин нарҳда

Бадий гимнастика



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

СПОРТ, НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛИК БАЙРАМИ

Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Harry Caravan» халқаро турнири бошланди.



ил, Россия терма жамоалари қириб келади.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Лола Каримова-Тиллаева мусобақани очиб, деб эълон қилди.

Осиё гимнастика иттифоқи президенти Раҳмон ал-Шатрий Ўзбекистонда кўплаб соҳалар сингари спортни, жумладан, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг жисмоний тарбияси ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилмоқда. Бу жараёнда спортнинг қизларга хос турлари, айниқса, бадий гимнастикани янада оммалаштириш, малакали мураббия кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 4-бетда)

УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ



Халқаро Олимпия ўйинлари машъаласи Грециядаги Гера ибодатхонасида қуёш нурларидан аланга олдирилади. Бундай ноёб хусусиятга эга маскан Ер юзининг санокли жойида, жумладан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида ҳам бор.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари машъалалари айнан шу ерда – Паркент туманидаги «Физика-Қўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдирилади.

Талабаларнинг «Универсиада – 2013» мусобақалари машъаласи ҳам 4 июнь куни ана шу ерда аланга олдирилди.

Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган маросимда Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватан-

парвар» ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба-ёшлар ва спортчилар иштирок этди.

Ортимизда спортни янада ривожлантириш ва оммавийлигини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида ёшларимиз орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган кўплаб спортчилар етишиб чиқмоқда.

(Давоми 4-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Яқинда Токио университетида шу йил 16 – 17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция яқунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ЯПОНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

Токио университетининг профессор ва ўқитувчилари, илмий ходимлари ҳамда талабалари иштирокида ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур халқаро конференция очилишидаги нутқи, мамлакатимизнинг иқтисодий ва саноат салохиятига доир маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Тошкент халқаро конференциясида қатнашган япониялик экспертлар мамлакатимизнинг турли вилоятларига уюштирилган сафарлари ва жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишидан олган таассуротларини давра суҳбатининг иштирокчилари билан ўртоқлашдилар.

Токио университетининг профессори Йошиюки Кавазоэ халқаро анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда қишлоқ жойларда янги уй-жой мажмуаларини бунёд этиш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга беvosита гувоҳ бўлишганини таъкидлади. Унинг фикр билдиришича, намунавий лойиҳалар асосида қурилган қўлай ва шинам уйлар ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга турли муассасалар конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Меъморчилик ва дизайн йўналишида фаолият кўрсатадиган «Okano Planning Associates» компанияси президенти Махото Оканонинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон қишлоқларида қурилган уйлар замонавий дизайнга эга бўлгани холда миллий меъморчилик аънаваларини ҳам ўзида мужассам этган. Мазкур уй-жойлар қурилишида юқори сифатли маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланилиши эса Ўзбекистонда қурилиш саноати тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Тошкент анжумани бутун дунёдан келган экспертларга ўзаро фикр алмашиш, меъморчилик, қурилиш ташкилотлари ва тармоқ ўқув муассасалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан учрашувлар ўтказишнинг имконини берди, – деди М.Окано.

Япония Ердан фойдаланиш, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлигининг вакили Кончи Ямашита юртимиз қишлоқларида уй-жой қурилиши янги иш ўринларининг яратилиши ва жойларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоялар жалб этишга хизмат қилаётганини эътироф этди.

Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш Япония учун ҳам долзарб аҳамият касб этишини таъкидлар экан, К.Ямашита қишлоқларни ривожлантириш ва аҳоли турмуш тарзини юксалтириш бўйича Ўзбекистон тажрибасига бағишланган туркум мақолалари Япония матбаа нашрларида чоп этиш истагида эканлигини маълум қилди.

Япония Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмасининг Техникавий қўмитаси раиси Мицуаки Кавамура Ўзбекистон қишлоқларида уй-жой қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига хизмат қилаётганини қайид этди.

Тошкент халқаро анжумани юксак даражада ташкил этилди, – деди у. – Конференция қатнашчилари қишлоқларда уй-жой қурилишига оид масалаларни муҳокама қилиш ҳамда сермахсул учрашув ва музокараларни ўтказиш имконига эга бўлдилар.

Токио университетининг Меъморчилик факультети докторанти Масатами Хара ўзининг илмий тадқиқотида қишлоқларда уй-жой қурилиши бўйича Ўзбекистон ва Япония тажрибасини қиёсий жиҳатдан ўрганиш истагида эканлигини маълум қилди. Шунингдек, М.Хара мазкур конференциядаги иштироки чоғида қишлоқ шароитида уйларни лойиҳалаштириш ва бунёд этишга оид зарур маълумотларни қўлга киритганини айтди.

«Жаҳон» АА
Токио



МАМЛАКАТИМИЗДА

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Беруний тумани марказида янги истирохат боғи фойдаланишга топширилди. Умумий майдони тўққиз гектардан иборат ушбу замонавий боғ Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан олинган кредит ҳисобидан бунёд этилди. Боғ ҳудудидаги уч гектарлик табиий қўл атрофи ободонлаштирилди. Соҳилга чўмилувчилар учун қўм тўшалиб, соябонлар ўрнатилди.

Тошкент вилоятида «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур аънаваний тадбир ёшларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, турли ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чирокчи туманидаги «Чирокчи тежамкор газ таъминот» масъулияти чекланган жамиятида янги тармоққа асос солинди. Бу ерда ташкил этилган 50 сотих майдондаги иссиқхонада ҳудуд иқлимига мос ва ҳосилдорлиги анча юқори бўлган помидор, бодринг навлари парваришланмоқда. Иссиқхонада замонавий иситиш тизими билан бирга томчилатиб сугориш технологияси жорий қилинган.

Нукус шаҳрида «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. «Келажак овози – 2013» кўрик-танловининг саралаш босқичларида голибликни қўлга киритган 374 нафар иқтидорли йигит-қиз Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иштирок этди.



Бир неча кундан буён Европанинг ғарбий қисмидаги шаҳарларда кучли сув тошқинлари рўй бериб, катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, сурункали ёмғир оқибатида дарёларнинг ўзанидан тошиб чиқиши боис Прага кўчаларида транспорт қатнови тўхтаган. Бундан ташқари, Чехиянинг 40 та шаҳри хавфлилик даражаси юқори бўлган ҳудуд деб эълон қилинган. Ушбу мамлакатда сув тошқинлари натижасида икки киши ҳалок бўлган. Австриянинг Тирол, Зальцбург, Юқори ва Қуйи Австрия, шунингдек, Германиянинг жануби-шарқидagi Пассау, Мазбах ва Розенхайм шаҳарларида ҳам вазият жиддий.

Токионинг самовий дарахти» деб номланган жаҳондаги энг баланд телеминора кечадан бошлаб Японияда ўз фаолиятини бошлади. Таъкидлаш кераки, баландлиги 634 метр бўлган телекоммуникация минорасининг қурилиши бундан бир йил муқаддам яқунланган эди ва бу ерда марказий япон телеканаллари ўз дастурларини тўлақонли тарзда узатишни бошлади. Ушбу гўзал телеминора Токионинг энг диққатга сазовор жойларидан бирига айланди.

Испания божхона назорати хизматчилари катта микдорда ноқонуний гиёҳвандлик моддаси олиб кетаётган кема-нинг йўлини тўсишди. Яъни Фуанкирол шаҳри соҳилидан Марокаш томон ҳаракатлана бошлаган кема бортидан текширув пайтида 17 тоннаю 100 килограмм гиёҳвандлик моддаси далилий ашё сифатида олинди. Мазкур сув транспорти воситаси хусусий бўлиб, ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган экан.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий университетида «Одам савдоси – аср вабоси» мав-

зусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** академик рус драма театрида болалар

учун театрлаштирилган мусиқий тадбир ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** «Ипак йўли» банки-

нинг Олмазор туман филиалида «Оғоҳлик — давр талаби» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Транспорт

ДАРОМАД ОШМОҚДА, ШАРОИТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Бугунги кунда пойтахтимиз аҳолисининг узоғини яқин қилаётган жамоат транспорти хизмати сифати ва хизмат кўрсатиш маданиятини бундан 15-20 йиллар аввалгиси билан асло таққослаб бўлмайди. Чунки бир қарашдаёқ кўзни қувнатадиган, ҳар томонлама қулай ва шинам замонавий автобуслар йўловчиларни бир зумда истаган манзилига етказиш имкониятига эга.

Айниқса, ҳозирги рақобатчилик шароити пойтахтимизда транспорт хизмати кўрсатаётган автокорхоналар зиммасига катта масъулият юклатмоқда.

Буни яхши ҳис этган «8-сонли автосарой» очик акциядорлик жамияти жамоаси ҳам ўндан ортиқ йўналишлар бўйича 114 тадан зиёд транспортлар хизмати йўлга қўйган. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида эса йўловчиларга хизмат кўрсатиш режаси 110 фоизга яқин бажарилди.

— Йил давомида бу кўрсаткични янада ошириб боришни режалаштирганмиз, — дейди биз билан суҳбатда автосарой бошқаруви раиси Тоҳир Исмаилов. — Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бинобарин, аввало йўловчиларнинг ишончини қозониш учун ҳайдовчилар катъий жадвал асосида фаолият кўрсатишлари зарур. Биз ўтган вақт мобайнида ана шу мақсадга эриша олдик. Йўловчилар ишончининг мустаҳкамланиши эса улар сонининг ортишига, да-

ромадларимиз микдорининг кўпайишига пухта замин яратмоқда. Мана шу ишларнинг самараси натижасида жорий йилнинг ўтган тўрт ойи якунида 4 миллион 428 минг сўмдан зиёдроқ даромад олишга эришдик. Албатта бу билан чекланиб қолмаймиз. Йил бошида тузган режамизга биноан, ҳали бу борада кўпгина ишларни амалга оширишимиз даркор. Буларнинг барчаси албатта йўловчиларга янада сифатли хизмат кўрсатишга, автокорхонамизни молиявий жиҳатдан бундан-да, юксалтиришга пухта замин яратади.

Дарҳақиқат, қаерда иш қатъий режа асосида ташкил этилса, шу ерда фаолият унуми, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораверади. Буни эса 8-автокорхона фаолиятидан ҳам англаб олишимиз мумкин.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТДА: «8-автокорхона»нинг таъмирлаш цехида

Яқинда Озарбойжонда чоп этиладиган нуфузли ижтимоий-сиёсий нашрлардан бири — «Эхо» газетасида журналист Оксана Буланованинг «Кўпгина халқларнинг бешиги ва қудратли салтанатлар маркази» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди.

«ЭХО» САҲИФАЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИ

Мақола муқаддимасида Ўзбекистон ўрта Осиё мамлакатлари ичида энг мафтункор диёр ва сайёҳлар учун жозибали ўлка ҳисоблангани ҳолда машҳур меъморий ёдгорликлар ҳазинаси, афсонавий Буюк Ипак йўлининг марказларидан бири ҳамда буюк олим ва уламоларнинг ватани эканлиги қайд этилади.

Муаллиф юртимиз заминидagi Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг кўрку таровати ҳамда мамлакатимизнинг бой тарихий-маданий, илмий ва диний мероси ҳақида ўқувчиларга маълумот берад экан, кўна ва хамиша навқирон Самарқанд шаҳрига алоҳида тўхталади. «2750 йиллик тарихга эга ушбу қадимий гўзал шаҳарнинг қоқ марказида бутун дунёдан келган сайёҳларни ўзига мафтун этган маҳобатли мажмуа — Регистон майдони жойлашган», деб ёзади у.

О.Буланова ўз мақоласида Амир Темури, Мирзо Улугбек сингари улуг бобокалонларимизнинг дунё тарихи, маданияти, санъати, адабиёти ва илм-фани таракқиётига қўшган ҳиссасини алоҳида эътироф этади. «Самарқанд ўзининг бекиёс меъморий обидалари билан кишини лол қолдиради, деб ёзади муаллиф. Айнан шу заминда меъморчилик санъати нақадар юксак чўққига кўтарилгани ва иншоотлар бунёд этилишида нақадар мукамал услуб ва технологиялардан фойдаланилганига гувоҳ бўласиз. Шаҳардаги барча ёдгорликлар деворларига тақдорланмас безаклар туширилган, олтин суви юритилган нақшли ёзувлар эса ҳар қандай хусниҳат ошувчасини ўзига оҳанрабодай тортади».

Ўзбекистон замини бўйлаб ўз саёҳати таассуротларини газетхонлар билан ўртоқлашишда давом этар экан, журналист ўрта Осиёнинг энг қадим шаҳарларидан бири бўлиши Бухоро ҳақида қуйидагича ёзади: «Бухоро шаҳрида сақланиб қолган тарихий обидалар, карвонсаройлар, масжид ва мадрасалар, ҳовуз ва ҳаммомлар, қалъаю кўрғонларни санаб санагича ета олмайсиз. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бири Сомониёлар мақбараси бўлиб, у минг йиллик тарихга эгадир. XII асрда бунёд этилган Минораи Калон эса ўша давр

меъморчилиги қай даражада юксак тараққий этганидан далолат беради». Муаллифнинг ёзишича, Бухорога келган сайёҳларнинг аксарияти шаҳар бўйлаб пиёда сайр қилишни севишади. «Ана шунда бу шаҳарнинг ҳақиқий фусқункорлигини тўла ҳис қилиш, унинг тарихи ва бугуни билан «юзлашиш» мумкин». Лабиҳовуз ва унинг атрофида қад кўтарган меъморий мажмуа бўйлаб сайр эса, журналистнинг сўзларига қараганда, жазирама кунда кўп асрлик дарахтлар соясида ҳордиқ чиқариш, хушбўй ўзбек чойидан баҳраманд бўлиш ва бетакор ўзбек миллий таомларидан тановул қилиш учун қулай имкониятдир. «Меҳмондўст бухорилиқлар шаҳар заминидagi ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган аjoyиб ёдгорликлар ҳақида сизга бажонидил сўзлаб берадилар», деб ёзади у.

Ўтмиш ва бугун ўзаро уйғунлашиб кетган Тошкент шаҳрига тўхталар экан, озарбойжонлик журналист бу шаҳар доимо халқроқ савдо-сотик йўллари кесишган нукта ва ўрта Осиё маданиятининг маркази бўлиб келганини таъкидлайди. «Ҳозирги пайтда бу шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллик йиллари давомида Тошкент мутлақо янгича қиёфа касб этди. Шаҳардаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, метро, вокзал, аэропортлар, қўлаб кичик ва катта истироҳат боғлари пойтахтликлар билан Тошкент меҳмонларининг кўзини қувонтирмоқда».

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат тарихи, халқ аъёнлари ва маданиятига нисбатан эътибор қаратаётгани ҳам мақолада алоҳида эътироф этилган. «Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва бошқа кўп сонли музейлар бу фикрнинг амалдаги исботи ҳисобланади», деб ёзади О.Буланова.

Мақола якунида эса муаллиф ўқувчиларни Ўзбекистон бўйлаб саёҳат уюштириш ва бу ўлканинг бекиёс гўзаллиги, унинг бой тарихи, ранг-баранг маданияти ва аъёнларидан баҳраманд бўлишга чорлайди.

«Жаҳон» АА
Боку

Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида Учтепа тумани sanoat худудида жойлашган доимий фаолият юритадиган «Коммунал таъмир — 2013» кўргазма-ярмаркаси олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзкоммунизм» агентлиги, шаҳар Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ассоциацияси, Профсоюзлар ассоциацияси, «Коммунал таъмир» ширкатлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган мазкур ярмарка пойтахтимиздаги кўп қаватли турар жойларни қўз-қўш мавсумига тайёрлаш тадбирлари доирасида ўтказилмоқда.

Ўн биринчи июнда бошланадиган мазкур тадбир пойтахтимиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уларга хизмат кўрсатувчи Профсоюзлар ширкатлари иштирокида ташкил этиладиган ўн кунлик кўргазма-семинари билан бошланади.

Унда ҳукуматимиз томонидан коммунал соҳага берилган алоҳида эътибор, соҳада олиб борилаётган ислохотлар, уй-жой фондини бошқариш ва фойдаланиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамда хизматларининг сифати ва самарасини ошириш учун ширкатлар билан бир қаторда профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш каби масалалар ўрганилади.

Ярмаркада қурилиш материаллари, технологиялари, техникаси ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилар, хорижий ишлаб чиқарувчи брендларнинг савдо вакиллари, консалтинг компаниялари иштирок этади. Шунингдек, илмий-техник ишланмалар ҳам экспонат, макет, конструкторлик ва технология, патент ва лицензия ҳужжатлари шаклида қўйилиши кутилмоқда.

Бугунги кунда пойтахтимизда уч мингдан ортиқ ХУЖМШ ва уларга хизмат кўрсатувчи юздан ортиқ Профсоюзлар бошқарув компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Коммунал



ётган «Коммунал таъмир — 2013» кўргазма-ярмаркаси шаҳримиз аҳолиси ва соҳа мутахассисларига амалий ёрдам беради.

— Ушбу тадбиримизнинг яна бир яхши томони шундаки, ширкатлар ва бошқарув компаниялари Доимий ярмарканинг кўргазма майдончасидан сифатли ва арзон маҳсулотларни танлаб, пул ўтказиш йўли билан харид қилиш ҳамда кўрсатилган манзилгача етказиб бериш бўйича қулайлик ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин, — дейди «Dima» доимий фаолият юритувчи ярмаркаси раҳбари Исроил Ҳатамбоев. — Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар эса ўз маҳсулотларини ёз-куз мавсумида ушбу ярмарка савдоларида қўйишади ва бу орқали доимий хариддорларга эга бўлишади.

DIMA бренди остида доимий фаолият юритувчи халқаро қурилиш ярмаркасида жами минг квадрат метрлик кўргазма залида 150 дан ортиқ экспозиция хоналарида маҳсулотлар намойиш этилади.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмаилов олган сурат

Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда «Оммавий маданият» юртимиз келажиги учун таҳид» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Тадбир Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Оммавий маданият»нинг мустақиллигимиз, бирлигимиз, обод турмушимиз ва юртимиз келажиги таҳдидлигини, унга қарши кураш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини ёшлар онгига синдириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Юнусобод туманидаги 12 та касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, маърифат-маънавият ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари ҳамда руҳшунослар иштирок этди.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан «Оммавий маданият» никоби остида ахлоқий бузуқлик, эўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм ғоялари тарқатилаётгани, бунинг натижасида ўта аянчли ҳолатлар келиб чиқиши, миллатни таназулгача олиб бориши ҳақида сўз юритилди.

Ўқувчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар қайтарилди. Йиғилганларга слайдлар намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ —
ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШ

Экология — кенг маънодаги тушунча бўлиб, ер қуррасини ўраб турган атроф-муҳит, табиий мавжудот ва тирик организмлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўз ичига олади. Кейинги пайтларда экологик муаммолар — атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари инсониятни янада кўпроқ ташвишга солимоқда. Экологиянинг бузилиши нафақат инсон, балки табиатдаги бошқа мавжудотлар, ўсимликлар, ер, сув, ҳаво ва бошқаларда ҳам ўз таъсирини намойиш қилмоқда.

Мустақил республикамиздаги экологик муаммолар умумий-иқтисодий масалаларнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, кенг жамоатчилик олдидagi ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан биридир. Бу борада экологик таълим-тарбия тизими муҳим ўрин тутди. Экологик таълим деғанда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади. Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир. Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг умумий шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кузда тутилди.

Экологик тарбиялаш жараёнида ёшлар табиат бойликларини тежаб-тергаушга, табиати муҳофаза қилишга ўргатиб борилади.

Табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар маълум қонунларга бўйсунган ҳолда шаклланиб, бу

қонунларнинг бузилиши эртами-кечми таҳликали экологик вазиятни келтириб чиқаради. Бугунги кунда экологик муаммо долзарб муаммолардан бирига айланиб қолган бўлган сир эмас. Шундай экан, биз аввало соғлом муҳитни яратишимиз лозим. Бизга маълумки, инсон саломатлиги миллат бойлиги ҳисобланади. Шу боисдан ҳар бир киши ўзининг ва атрофдагиларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлигини асраши керак. Аҳоли соғлигини яхшилаш табиий, ижтимоий ва руҳий муҳитларнинг ҳолатига боғлиқдир. Бунда ижтимоий муҳит етакчи роль ўйнайди. Чунки тоза ижтимоий муҳитда кучли маънавият шаклланади. Яхши маънавиятга эга бўлган киши ҳам ижтимоий, ҳам руҳий, ҳам табиий мусаффоликни таъминлай олади.

Муборак ҲАКИМОВА,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ
ИСЛОҲОТЛАР
МОҲИЯТИ

Болажонларимизни аввал умумтаълим мактабиди, кейинчалик эса касб-хунар коллежи ёки академик лицейда таълим олишини таъминлаш давлатимиз сиёсати тамойилларидан биридир. Бепул умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш давлат томонидан кафолатланади. Шуниси эътиборга сазоворки, бундай ижтимоий-иқтисодий кафолат ривожланган давлатларнинг ҳам ҳаммасида ўрнатилмаган.

2012 йил 17 февраль куни «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда «Юртбошимиз юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти аввало шундаки, умумтаълим мактабидagi 9 йиллик ўқитишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорига талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайди» дея, таъкидлаб ўтгандилар.

Юртимизда мажбурий 12 йиллик таълим таъминлининг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш мақсадида зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 9-синф битирувчиларининг деярли 100 фоизининг академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олиши таъминланмоқда.

2013-2014 ўқув йилларида 9-синф битирувчиларининг барчасини, яъни 533 минг битирувчини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Шу билан бирга, адлия органлари томонидан тизимли равишда ўтказиладиган текширишлар давомида ушбу соҳадаги айрим камчиликлар ҳам аниқланмоқда.

Масалан, ўқувчиларни анкета сўровидан ўтказиш касбга йўналтириш бўйича тадбирларнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ушбу чора нафақат у ёки бу таълим йўналишига бўлган талабни аниқлашга, балки ўқувчиларнинг таълим олиши давом эттиришига ва асосий касб эгаси бўлишига қаратилган.

Бироқ, ўрганишлар давомида айрим ҳудудларда ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилмаганлиги аниқланди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари касбга йўналтириш ишларини ташкил этишда умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттириш билан боғлиқ хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказадилар.

Шунингдек, айрим ҳолларда 9-синф битирувчиларининг академик лицей ва коллежларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиниши тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги текширилмаган, оқибатда битирувчиларни ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш тўғрисидаги маълумотлар ҳам бирмунча нотўғри шаклланибди.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилди. Хусусан, ваколатли таълим идораларига камчиликларни, уларнинг келиб чиқишига олиб келган сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасига мувофиқ она-оналар болаларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар. Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47-моддасида она-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгарлик белгиланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мажбурий 12 йиллик таълим олиш фуқароларнинг ўзига, биринчи навбатда ўқувчиларнинг манфаатларига хизмат қилади. Мажбурий умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ёшларга нафақат бепул касб-хунар билим олиш ва малакага эга бўлиш имконини беради, балки аҳолининг ижтимоий муҳофазасининг муҳим чораси сифатида миллий иқтисодийнинг мустаҳкамланиши омилidir.

Жамшид ТИЛАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
Қонунчиликка риоя этилиши
устидан назорат
қилиш бош бошқармасининг
бош маслаҳатчиси

Ободлик кўнгилдан бошланади

Ҳамма замонлар ва маконларда ҳам пойтахт шаҳар давлатнинг юзи, бутун мамлакат халқининг фахри ҳисобланади. Сабаби – жаҳон аҳли ҳам ҳар бир юрtnинг умумий даражасини, аввало, пойтахтига қараб белгилайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкентимиз мустақиллик йилларида чинакамга гўзал қиёфа касб этди ва таниб бўлмас даражада йлгариб кетди. Бунга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Ана шу гўзал шаҳримизни янада ободонлаштириш, унинг атроф-муҳитини тоза сақлаш, ландшафт архитектурасининг замон талаблари даражасида бўлишига эришиш фақат тегишли давлат ва жамоат тизимларининггина эмас, амалда барчанинг, яъни ҳар бир фуқаронинг бурчи экани – ҳаммамизга аён.

Юртбошимизнинг 2012 йилнинг 16 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳри Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган тарихий нутқида ўртага қўйилган вазифалар, жумладан, пойтахтимизни гўзал ва обод шаҳарга айлантиришга қаратилган давлатлар ҳам-мани ана шундай хатти-ҳаракатларга ўндади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Тошкентимизни экологик жиҳатдан мусоффо бир маконга айлантиришга жиддий киришганмиз. Шўролар даврида шаҳримиз умумий майдонининг тўққиз фоизинигина бог ва хиёбонлар ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич икки ярим баробардан зиёдор қўлайиб, умумий ҳудуднинг деярли тўртдан бир қисмини ташкил этмоқда. Шундай қилинганда, ҳамшаҳарларимиз инсонга бир мартагина бериладиган умрни мазмунли ва роҳат-фароғат билан ўтказсин. Шаҳарда кишиларнинг гўзалликлардан баҳра олиши, тоза ҳаводан баҳраманд бўлиши, меҳнат қилганидан кейин баҳару ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар муҳайё бўлсин.

Шанба-яшанба кунлари ҳашарлар қилиб, озодалик кунларини ўтказиб, бу йил кўламда кўп дарахт экидик. Дарахт ҳам – тирик мавжудот. Экингимиз, энди унинг кўкариб кетишини таъминлаш керак.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари пойтахтда олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларни кенг тарғиб қилиш, шаҳар ҳудудини мунтазам тоза ва озода сақлаш мақсадида йил давомида «Озода шаҳрим» тadbирини ўтказиш таклифи билан чиқди ва бу ташаббус ҳар шанба куни – тозалик куни деб эълон қилинган.

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз ташаббуси ва раҳна-молиғида шаҳримизда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб боришмоқда. Мустақиллик йилларида Тошкент Ер юзининг чинакам мегаполис шаҳарларидан бирига айланди. Ҳозир бу ерда қарийб уч миллионга яқин киши истикомат қилади.

Истиқлол йилларида замонавий мегаполис даражасига етган шаҳримизда янада обод ва кўкalamзор қилиш борасида кенг қўлланалаётган ландшафт архитектураси, яъни мувофиқлик меъморчилигининг ўрни катталигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Яъни лойиҳалаштириш жараёнида ҳар бир объектнинг фақат қурилишигина назарда тутилмасдан, балки ушбу жараёндаги ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишлари ҳам инобатга олинмоқда. Шаҳарсозликда мураккаб ҳисобланган бундай масаланинг ечимида ўнлаб ташкилот ва муассасаларнинг мутахассислари – агрономлар, лойиҳаловчилар, меъморлар, қурувчилар, боғбонлар, табиатшунослар, турли соҳа олимлари, иш-тирок этади.

Масалан, шаҳарнинг марказий қисмида йўл чеккаларида кичик меъморий ечим сифатида ўзига хос кўринишдаги мўъжаз гулзорлар барқ уриб турибди. Асосий шохқўчалар атрофида манзарали ёшиллар терилган, асосан бир текисдаги майин майсалардан иборат бундай бадиий композициялар кўрган кўзни яшнатади, албатта. Бир сўз билан айтганда, шаҳримизнинг ландшафт дизайни шундай шакллантирилганки, Тошкент йил давомида гуллаб-яшнаб турувчи маскани эслатади. Масалан, март ойидан бошлаб боғу роғлару хиёбонларда виола, лола, наркас, гулсафсар, канка гуллайди, сўнг сафара ва бағрянлик атрофга ўз хушбўй ҳидларини таратади. Ёз давомида эса бутун шаҳар бўйлаб 60 хилдан ортиқ гуллар пойтахтимиз кўрмига кўрқ қўшади. Шаҳримиз яшил кўринишида айниқса каштан, эман, заранг, ясен, қайин, маҳнунтол, жўка каби дарахтларнинг алоҳида ўрни бор. Бир неча хиёбонлар эса игнабаргли ўсимликлардан иборат ҳолда барпо этилган. Шаҳримиздаги ушбу барча янгиланишлар замирида Тошкент шаҳрини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга аниқ ва изчил татбиқ этилишини кўришимиз мумкин.

Олиб борилаётган улкан ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишлари ҳар биримизга катта масъулият ҳам юклайди. Шаҳарнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини янада яхшилаш ва ҳудудларда тозаланиш сақлаш муаммоси борлигини унутмаслик керак. Бу, айниқса, катта шаҳарлар учун ўта долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳрида коммунал хўжалик тизими ва санитария ҳолатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги мажлисида ҳам шу ҳақда сўз бориб, ўричли таклифлар билдирилди.

Шаҳар кенгайиб, унда аҳоли сони ошиб боргани сайин экологик муаммоларни еншиш, санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ва тозаланиш сақлаш ва бошқа талаб масалаларини замонага мос тарзда ҳал этиш янада кўпроқ даражада талаб қилина бошлайди. Бу борада муттасил равишда ривожланган давлатлар тажрибала-ридан фойдаланишга ҳам тўғри келади.

Шаҳар шароитида чиқиндилар масаласи ҳам ана шундай муаммолардан бири саналади. Аҳоли сони ортиб, янги мавзёлар, кўп қаватли ва яқна тартибдаги уйлар бунёд этилаётган экан, ўз навбатида шаҳарда чиқиндилар ҳажми ҳам ортади.

Энди ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг, ўртача тўрт-беш кишидан иборат оилада ҳар куни қанча чиқинди йиғилади? Агар у ўз вақтида чиқариб ташланмаса, бир ҳафтада, бир ойда қанча бўлади? У вақтида олиб кетиб турилмаса, чиқиндиган маҳсулотлар атроф-муҳитни қанчалар ифлослантириб, аҳоли саломатлигига қанчалар зиён етказиши?

Шаҳримизнинг баҳорда майса ўсмайдиган бир қаричи ҳам йўқ, десак, муволажа бўлмас керак. Вақт-вақт тозалаб турилмаса, иссиқ кунларда ўтлар қуриб, ёнғинга сабаб бўлмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайд.

Мана, юртимизга ёз ҳам кириб келди. Она заминимиз соҳовати, деҳқонларимизнинг баракали меҳнати эвазига етиштирилган янги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан баҳраманд бўлиб келямиз. Хадемай ҳандалагу қовун-тарвузлар пишди. Пўчоқ қўлайди. Поллиз маҳсулотларининг пўчоқлари вақтида олиб чиқиб кетилмаса, ҳар ерга ташланса, тез ачиб, ҳавони ифлослантириб, нафас олишни қийинлаштирилади.

Шу ўринда бир гап. Айримлар: «Кўп қаватли уйнинг ичинга – меники, ташқаридаги ҳолат билан неча пуллик ишим бор?» – деб ўйласа керакки, уйдан туриб пастта қўлга нима тушса – идишчи, пакетчи, пўчоқчи,

сигарета қолдигими... иргитаверади. Натижада пакет, полиэтилен идишлар ҳатто уй ёнидаги баланд дарахтлар шохларига илиниб қолади. Ана энди уни ким чиқиб олиб тушади? Йиллаб ола-чалпоқ бўлиб ётаверади.

Холбуки, минг-минг йиллик миллий-маънавий меросимизда тозалик-озодалик билан боғлиқ қандай ибратли қарашлар мавжуд. Биргина ўзбек халқ мақолларининг ўзини олиб қарайлик: «Поклик соғлиқни, ақл сабр-ни сақлар», «Поклигинг – соғлигинг», «Саломатлик – туман бойлик», «Тоза уйда дард қолмас, Тоза қалбда доғ бўлмас», «Тоза ҳаво – дардга даво», «Тозалик – соғлиқ гарови», «Тозалик – соғлиқ, Соғлиқ – умр узоклик», «Тозаликка риоя қил», «Бойлиқнинг боши – соғлиқ», «Соғ юрай десанг, озода бўл», «Уйи тозага гард юқмас, Гард юқса ҳам, дард юқмас», «Халқ соғлиги – юрт бойлиги»... Жойларда бу мақолларнинг турли-турли вариантлари ҳам учрайди.

Биз табиатдан уйда таом тайёрлаб, истеъмол қилиш-ни яхши кўрадиган халқмиз. Ҳар куни ҳар бир оилада иссиқ овқат тайёрланади. Шунда қанча чиқиндилар чиқади? Хусусан, ёз ва кўзнинг айни пишиқчилик кунлари оилаларимизда қанчадан-қанча сабзавот, мева ва поллиз маҳсулотлари истеъмол қиламиз. Ахир, Тошкентда ҳар бир оила биттадан қовун ё тарвуз тановул қилганида ҳам бир кунда камиди 750 минг дона қовун ё тарвуз ейилади. Улардан қанча пўчоқ чиқади? Қовун-тарвуз чиқиндиси икки-уч соатда айний бошлаб, тез фурсатда атрофда сон минг ҳашарот пайдо қилади. Бу қанчадан-қанча касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади.


Демак, шаҳарда чиқиндиларни чиқариб ташлашнинг тартиб-қоидалар, замонавий талабларга мос мустаҳкам тизимини яратмасдан туриб бу борада қўзланган мақсада етиб бўлмайди.

Шу кунларда яқна тартибдаги хонадонлар эгалари томонидан маиший чиқиндиларни қўча ёқасига олиб чиқиб қўйиш, қўчалар, оқар сувларга ахлат ташлаш каби салбий ҳолатларга дуч келямиз. Оқибатда шаҳар ҳудуди ифлосланиб, экологик ҳамда санитария-эпидемиологик муҳит бузилмоқда.

Мазкур масалани пухта ўрганиб чиқиб, шаҳар ҳокимлиги томонидан «Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва ҳудудларда тозаланиш сақлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди.

15 банддан иборат мазкур қарордан қўзланган асо-

ШАҲРИМ КЎРКИ – МЕНИНГ КЎРКИМ!



сий мақсад – Тошкент шаҳрида чиқиндилар фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга етказиб қўйиб зарарли таъсирининг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, экологик ва санитария-эпидемиологик муҳитни яхшилаш, чиқиндиларни турларга ажратиб орқали ахлатхоналар майдонини камайитириш, замонавий технологиялар ёрдамида чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини жорий этиш, аҳолидан чиқиндиларни йиғиш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш ишларини янада такомиллаштириш ва тартибга солишдан иборат.

Хабарингиз борки, яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бир неча қарор ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қўй қарорга, ҳар бир туманда биттадан маҳаллада ишлар тизими асосда ташкил этилди, диган ва улар намунали маҳалла ҳолатига келтирилмайдиган бўлди.

Қарорда кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш учун, шак-шубҳасиз, фуқаролар йиғини раис раҳбарлигида профилактика инспекторларининг ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ҳар ҳафтада ўртача 50 та оила ўрганилиши, улардаги мавжуд муаммолар махсус дфтарга қайд этилиши ва шу асосда аниқланган камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар томонидан босқичма-босқич шаҳримизнинг аҳоли зич жойлашган мавзёларида «Намунавий маҳалла» дастури асосида кенг қўламда ободонлаштириш, кўп қаватли турар-жой биноларини, ер ости муҳандислик тармоқларини, ҳудудларда йўл ва йўлакларни қайта таъмирлаш, спорт ва бола-лар майдончаларини ташкил этиш ишлари амалга ошириб келинган.

Аммо пойтахтимиздаги шаҳарсозлик меъёри ва қоидалари талабларига жавоб бермайдиган автотранспортлар сақлаш қурилмалари ободонлаштириш ишларини олиб боришда катта тўсқинлик қилиб келаётганлиги ҳаммага маълум.

Шуни инобатга олиб, шаҳар аҳолисининг автотранспорт турар жойларини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари ҳамда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар ҳулосаларидан келиб чиқиб, «Тошкент шаҳрида автотранспорт сақлаш қурилмаларини ободонлаштириш ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ тартибга келтириш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Қарорда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўли-



ми, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, мазкур бош бошқарманинг ёнғинга қарши кураш бошқармаси, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бир қатор жамоат ташкилотларининг шаҳарда ўрнатилган автотранспорт сақлаш қурилмалари жойлашган ер участкаларини олиб қўйиш ва улар ўрнига замонавий ёнгил турдаги автотранспортлар учун турар жойларни ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди. 2013 – 2014 йиллар мобайнида шаҳарда ўрнатилган барча автотранспорт сақлаш қурилмалари босқичма-босқич олиниб, ўрнига ана шундай намунавий, яъни замонавий автотранспортлар турар жойлари бунёд қилинади. Ҳозирда маҳаллаларда кўплаб ана шундай автотранспортлар турар жойлари ташкил этилмоқда.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш, коммунал соҳадаги ислохотларни изчиллик билан давом эттириш, турар жойларни замон талаблари даражасига етказиш, таъмирлаш, намунали сақлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини сифатли бажариш ҳамда кўп қаватли уйларда истикомат қилаётган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар йўлакларини таъмирлаш ва намунали даражада сақлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Унда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши-нинг коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси, шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлимининг кўп қаватли уйларни замон талаблари даражасига етказиш, намуна-

борасида талай эзгу ишлар амалга оширилди. Шунга қарамайдан, сўнгги йилларда шаҳар аҳолиси сони ортиши билан ҳудудларнинг тозаланиш сақлашда қатор муаммолар келиб чиқапти. Масалан, аҳоли томонидан кўп қаватли уй-жой фонди атрофига турли чиқиндиларни ташлаб кетиш, бўш ётган ер майдонлари, ариқ ва зовурларни ифлослантириш ҳоллари учраб турибди. Бу эса шаҳар экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг пойтахтимиз табиатини муҳофаза қилиш, экология ва санитария-эпидемиологик муҳитни яхшилаш, атроф-муҳитга зарарли таъсирларнинг олдини олиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш мақсадида «Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарғиб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Шаҳарда жойлашган корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда ишлаётган ходимлар ҳамда маҳаллаларда аҳоли ўртасида пойтахтимиз тозаланиш сақлаш ва экологик маданиятни юксалтириш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Албатта, уй-жой фонди, қўча, майдон ва ариқларни тоза тутиш, ҳудудларни ифлослантирмаслик, чиқиндиларни белгиланган жойга ташлаш лозим. Ана шу қоидаларга амал қилмаётган фуқаролар огоҳлантирилади.

Ҳозирда белгиланган тартибда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун экологик маданият, атроф-муҳитнинг тозаллиги, санитария-гигиена қоидалари, табиат муҳофазаси, чиқиндиларни ташлаш тартиби ҳақида махсус курслар ташкил этилмоқда.

Маҳаллаларда учрашувлар уюштирилиб, ҳар бир хонадон, оила, фуқаро ҳамда шаҳарда фаолият юритаётган ҳар бир юридик шахсга мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти етказилмоқда. Эндиликда атроф-муҳитни ифлослантираётган, санитария-гигиена талабларини бузаётган, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаётган шахсларни аниқлаб, маҳалла фуқаролар йиғинларида фуқаролар иштирокида муҳокама қилинади-ган бўлди. Туманларда «Энг обод маҳалла», «Энг озода қўча», «Энг намунали кўп қаватли уй» кўрик-танловлари ўтказилмоқда.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳитнинг тозаллигини сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича буқлетлар ва бошқа нашрли маҳсулотлар тайёрлаб, аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарқатиш ишларини янада кучайитириш зарур. Реклама фаолиятини амалга оширувчи агентликлар шаҳардаги реклама конструкциялар ва видеомониторларга шаҳар тозаллиги, атроф-муҳит ва экологияни сақлашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган рекламалар, тарғибот воситалари, қақирқ ва эълонларни кўпроқ жойлаштириши керак.

Қўлимизда қарорлар, қанчадан-қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бор. Тартиб-қоидалар ўрнатилган. Аммо ҳамма вақт ҳам ёки ҳамма жойда ҳам шуларга тўлиқ амал қиялми? Буни ким назорат қилади? Қандай қилиб одамларни шу қоидаларга қатъий риоя этишга кўниктирамиз?

Буни ҳар ким виждонан ўйлаши керак.

Ҳар биримиз учун азиз ва қадрдон бўлган шаҳримиз ўзининг экологик жиҳатдан тозаллиги, ҳар жиҳатдан кўркамлиги билан нафақат пойтахтимиз аҳолисини, балки меҳмонлар этиборини ҳам тартиб келмоқда. Бунёд этилган кўркам бино ва иншоотлар, ободонлаштирилган ва кўкalamзорлаштирилган ҳудудлардан баҳраманд бўлиш билан бир қаторда, ўни асраб-авайлашни ҳам билишимиз керак.

Ўзимиз яшаётган уй-жойимиз, ҳовлимиз ва атроф ҳудудни тоза ва озода сақлаш бизга ота-боболаримиздан қолган мерос, ўзига хос миллий қадрият. Ушбу маънавий бойлиқни кенг ёйиш, уни аҳоли, айниқса, фарзандларимиз онгига сингдириб бориш ҳар бир ота-онанинг, қолаверса мураббий ва маҳалла фаолининг асосий бурчи ҳисобланади.

Тозалик – озодалик ва покизалик маъноларини билдиради. Тозаликка риоя қилиш, унга интилиш чинакам инсоний фазилатлар сирасига қиради. Шунинг учун ҳам халқимиз: «Тозалик – дил гавҳари», – дейди. Бу бежиз айтилмаган.

Шундай экан, ҳар биримиз азим шаҳримизни тоза ва озода тутишга имконимиз ва салоҳиятимиз етгунча ўз ҳиссамизни қўйайлик.

Албатта, Ватан оstonадан бошланади. Эрта тонгда келинларимиз ҳовли ва йўлакларни чинидай тозаллаб қўйганини кўриб, дилимиз яйраб, яхши кайфият билан хизматимизга жўнаймиз. Биргина шунинг ўзи ҳам кишига қандай кўтаринки кайфият бағишлайди. Лекин тозалик ва озодларчиликка риоя қилиш ҳар биримиздан юксак масъулият ҳам талаб этади. Ишхонамиз атрофи тозами? Маҳалламиздан ўтадиган ариқ ва зовурлар тозами? Уйдан чиқётган маиший чиқиндилар белгиланган жойга ташланяптими? Маҳалла ва ишхонамиз ҳудудига экилган гул ва дарахтларга сув қуйилаяптими?

Оддий туолган, лекин нихоятда зарур бўлган бу нарсаларга эътибор берайлик. Ножўя ётган бир хас-чўпни четга олиб қўйиш қўндалик одатимизга айлансин.

Халқимизда: «Қарс икки қўлдан чиқади», – деган аjoyиб нақл бор. Агар барча сайй-ҳаракатларимизни бирлаштирсак, шаҳримиз янада обод, гўзал ва кўркам бўлади.

Маданият – умумий тушунча. Ҳар бир халқ маданияти мамлакатда истикомат қилаётган барча фуқаролар маданиятининг йиғиндисидан иборат бўлади. Буни амалда исботлашимиз, шаҳримиз озодлиги ва кўркамлиги учун ҳар биримиз шахсан масъул эканлигини асло унутмаслигимиз зарур.

Зеро, ободлик ва озодалик кўнглимиздан бошланади.

Олим МАҲМУДОВ

СПОРТ, НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бадий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани туфайли спортнинг саломатлик учун ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган кизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, бадий гимнастика билан шуғулланувчи ўқувчилар 2003 йилда 1646 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозир 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган кизларнинг 35 минг нафардан ортиги ушбу спорт тури бўйича машғулотларга мунтазам қатнашмоқда.

Бу кўрсаткичларнинг ўсиши юртдошларимизнинг спортга, айниқса, кизлар спортига нисбатан қарашларининг тубдан ўзгаргани, соғлом турмуш тарзи мустаҳкам қарор топаётгани, ота-оналар фарзандининг спортга меҳр қўйиши қанчалик улғу мақсадларга пойдевор бўлишини аниқлаб етаётганидан, болалар спортни мамлакатимизда том маънода умуммиллий ҳаракатга айланишидан далolat беради.

Мамлакатимизда бадий гимнастиканинг жадал оммалашаётгани кизларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонлик бадий гимнастикачилар Осиё чемпионатининг илк медалини 2004 йилда кўлга киритган эди. Хитойда ўтган мусобақада ҳамюртимиз Олеса Ашаева бронза медалга сазовор бўлган. 2009 йилги жаҳон чемпионатида Уляна Трофимова халқа ва аргамчида машқ бажаришда иккинчи бронза медални кўлга киритган. Гимнастикачиларимиз жамоавий баҳсларда учинчи ўринни эгаллаган.

2010 йили пойтахтимизда 14 ёшгача бўлган кизлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг мутлақ ғолибаси, деб топилган Азиза Мамажоновна Сингапурда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпия ўйинларида кўчмаиз шарафини ҳимоя қилди.

2011 йилги Осиё чемпионатида медаллар сони ва салмоғи янада ошди. Уляна Трофимова кўпқураш баҳслари ва тасмада машқ бажаришда, Жамила Раҳматова булава ўйнатишда кумуш медалга сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзолари жамоавий ва гуруҳ баҳсларида яна учта бронза медални кўлга киритди.

Тошкент шаҳри 2004, 2005, 2011 ва 2012 йилларда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичлари, 2010 йилда ўсмир кизлар ўртасида Осиё чемпионатида мезбонлик қилди. Осиё гимнастика иттифоқи ўзининг Бош ассамблеясини 2012 йилда пойтахтимизда ўтказгани ҳам Ўзбекистонда ушбу спорт турини ривожлантиришда эришилган салмоқли натижалар эътирофининг ёрқин тасдиғидир.

Тошкент шаҳрида бошланган Осиё чемпионатида кўчмаизнинг энг кучли гимнастикачилари, «Happy Caravan» халқаро турнирида эса ўсмир кизлар яккалик ва гуруҳ баҳсларида аргамчи, халқа, тўп, булава, тасмада машқ бажариш ҳамда кўпқураш бўйича ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этади. Халқаро ҳакамлар бригадаси гимнастикачилар бажарган композицияларни ўқ йўналиш – ижро маҳорати, артистизм ва машқнинг мураккаблиги бўйича баҳолаб боради.

Тўрт кун давом этадиган Осиё чемпионатида Жамила Раҳматова, Майя Филиппова, Мафтуна Шамсиева, Валерия Давидова, Луиза Ганиева, Зарина Қурбонова, Дарья Свечникова каби гимнастикачиларимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

– Бўлажак мусобақага ҳар томонлама жиддий тайёрландик, – дейди «Умид ниҳоллари – 2012» мусобақаси ғолибаси Майя Филиппова. – Мақсадимиз мазкур Осиё чемпионатида муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашдир.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимиде катта концерт дастури намойиш этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розукулов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Байрам АЙТУРДОВ,
ЎЗА мухбири



УНИВЕРСИАДА МАШЎАЛАСИ БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Давлатимиз мадҳияси янграйди. Қуёш нурларидан аланга олган «Универсиада – 2013» машъаласини Паркент транспорт ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси Дилёр Диловаров майдонга олиб қиради. Ушбу коллежнинг яна бир ўқувчиси Шаҳбоз Комилов машъалани кўлга олиб, Бухоро вилояти сари йўлга тушди.

«Универсиада – 2013» машъаласи олиб ўтилган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларида ўтган ана шундай тадбирларда таниқли шоир ва аълолар, спортчилар ҳамда санъаткорлар иштирок этди. Куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

– Универсиада спорт мусобақаларини юксак савияда ташкил этилаётганини кўриб, кўнгилмиз фخر-ифтихорга тўлмоқда, – дейди Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети талабаси Насиба Бобоева. – Биз, ёшлар берилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз, ўзимизнинг аъло ўқишимиз ва самарали ишларимиз билан Ватанимиз ва халқимиз қорига ярашимиз зарур.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимиздаги Амалий санъат музейида
Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун
муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

КЎРГАЗМАДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ИЖОДИ

Тадбирда пойтахтдаги республика рассомлик коллежининг ўқувчиси Гулсанам Юлдашева, мактаб ўқувчиси Адолат Жўраевларнинг тасвирий санъат соҳасидаги 20 га яқин ижодий ишлари намуналаридан ташкил топган кўргазма ҳам намойиш этилди.

Ушбу тадбир доирасида уюштирилган «Янги авлод форуми» болалар ижодиёт уйи, «Жар» спорт комплекси қошидаги «Қалдирғоч» кизлар дастаси ҳамда Яккасарой туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази концертлари барчага завқ бағишлади.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

БОЛАЛАР КУЛГУСИ ЖАРАНГЛАЙВЕРСИН

Айни кунларда гўзал юртимизнинг қай гўшаси, маданият ва истироҳат боғларига борманг, болажонларнинг шўх-шодон кулгуси жаранглаётганини кўрамиз.

Бектемир туманида жойлашган «Қуёшча нури» истироҳат боғида ташкил этилган байрам тадбирида ҳам тумандаги болажонлар отамоналари билан биргаликда иштирок этишди. Уларга бо-

қиб мустақил диёр баркамол авлодлари қувончининг чек-чегараси йўқлигини ҳис этиш мумкин.

Истироҳат боғи ҳар доим-гидан гавжум бўлиб, қувноқ ўйинлар, сахна кўриниш-

ри ва 291- ва 293-умумтаълим мактаблари, «Баркамол авлод» маркази ўқувчилари томонидан кўргазмалар ташкил этилгани барчага бирдек ёқди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан тадбир иштирокчилари музқаймоқ, ширинликлар ва салқин ичимликлар билан меҳмон қилинди.

Тадбирда ташкилотчилар ташаббуси билан сахна кўринишлари, интеллектуал ўйинлар ва концерт дастури намойиш этилди. Интеллектуал ўйинларда ғолиб чиққан болакайларга совғалар улашилди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси **босқичма-босқич** охиб бориш тартибиде **ўтказиладиган очик ким ошди савдосига таклиф этади!**

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 11.03.2013 й. № 14249/12 - сонли ижро ҳужжати асосан 2000 й. и.ч. «ГБ Газ-2705» СПГ, д.р. 01 Р 046 НА. Бошланғич баҳоси – 31 878 010 сўм. 2. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25 - сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. «Волво», д.р. 17 V 6746. Бошланғич баҳоси – 37 793 992 сўм. 3. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «СК-24», д.р. 19 А 351. Бошланғич баҳоси – 29 858 424 сўм. 4. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. «Маз», д.р. 16 М 6959. Бошланғич баҳоси – 51 537 262 сўм. Ким ошди савдоси 2013 йил 20 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 11.03.2011 й. № 3929/10 - сонли ижро ҳужжати асосан 2008 й. и.ч. «Лада-21703-114-01», д.р. 01 416 САА. Бошланғич баҳоси – 19 073 000 сўм. Ким ошди савдоси 2013 йил 5 июль кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Ким ошди савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш ким ошди савдоси кунидан бир кун олдин тўхтаб қолди. Ким ошди савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалида қўйидаги хисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0048 8730 5001, УФО: 00425, ИНН: 301 829 804. Ким ошди савдоси ўтказиладиган мизини: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 12-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси **охиб бориш** тартибиде **ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

I. Савдога Олмазор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ер-тўлали, икки қаватдан иборат бўлган маъмурий бино тақрироти қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 745 404 403,44 сўм.**

Савдо 2013 йил 24 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Ариза-

лар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 21 июнь кунни соат 18:00.

II. Савдога Олмазор туман СИБ томонидан, ЖИБ Олмазор туман судининг 24.10.2012 йилдаги 1-166/12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамий 1/2 даҳаси, 13-уйда жойлашган 10 хонадан иборат, умумий фойдаланиш майдони 265,47 кв.м., яшаш майдони 185,53 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 282 751 500 сўм.**

Савдо 2013 йил 8 июль кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Ариза-

лар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 5 июль кунни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банк» ОАЙБ Сағбон Ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001


Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очик акциядорлик жамияти жамият ҳудудида жойлашган бинолардаги бўш бўлган майдонларни ижарага олишни таклиф қилади.

Фавоит тури	Сони	Майдони (кв.м)
1 Умумий овқатланиш	1	218,5
2 Умумий овқатланиш	1	147,5
3 Умумий овқатланиш	1	143,5
4 Умумий овқатланиш	1	152,1
5 Умумий овқатланиш (2 қават)	1	152
6 Савдо бокслари (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)	5	36
7 Савдо бокслари (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)	1	15
8 Савдо бокслари (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)	1	57,3
9 Савдо павильони (цифрус)	3	12
10 Бошқа турдаги (2 қават)	1	216
11 Бошқа турдаги (2 қават)	1	48
12 Бошқа турдаги (2 қават)	1	72
13 Бошқа турдаги	1	9
14 Бошқа турдаги (2 қават)	1	37,3
15 Бошқа турдаги (2 қават)	1	16,2
16 Бошқа турдаги (2 қават)	1	17,5
17 Бошқа турдаги (2 қават)	1	13,1
18 Бошқа турдаги (2 қават)	6	18
19 Бошқа турдаги	1	18

Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль халқа йўли, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ. Маълумот учун телефонлар: 295-96-52, 523-57-58

Сергели туманидаги «SHAROFIDDIN XASAN» хусусий корхонаси (ИНН 300302027) корхона устав фондининг 97 472 616 сўмдан 86 872 616 сўмга қисқартирилганлигини маълум қилади. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида Сергели-4 мавзеси, 28-уй манзили бўйича қабул қилинади.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Ишинг юришгани сари ҳамкоринг ҳам кўпайиб боради.

Чин дўстни баъзида бутун умр излаб тополмайсан. Душман ўзи эса қаршингдан чиқади.

Омади чопганга ҳасад қиладилар.

Тайёр нарсаса харидор топилади.

Хасис энг тубан кимсаядир.

Дунё фалсафасини тушунган дийдиё қилмайди.

Нолиш билан иш битмайди.

Ўзининг фикри йўқ бошқаларнинг фикри билан яшайди.

Вақт сенинг рози-ризолигинга қараб ўтирмайди – ўтаверади.

Ҳар бир ишни ҳам эплаганга чиқарган.

Бугун ҳам эртага тарихга айланади.

Нопоклик кирган эшикдан ҳалол қолади.

Ҳалол одам гап-сўздан кўркмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкент шаҳрида 6 июнь кунни вақти-вақти билан ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 18-20, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 6 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазис пайолиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОКИМЛИГИ

Манзиллимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, Факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11837 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ